

Тўғри исм қўйинг



08:00 / 19.01.2021 2655

Имом Муслим Муҳаммад ибн Амр ибн Атодан ривоят қилади: «Қизимга Барра («яхши», «покиза», «айбсиз») деб исм қўйган эдим, Зайнаб бинт Абу Салама розияллоҳу анҳо менга деди: «Менинг ҳам исмим Барра эди. Кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу исмдан қайтариб, **«Ўзларингизни покламанглар. Сизлардан ким яхшилик аҳлидан эканини Аллоҳ билади»**, дедилар. «Бўлмаса нима деб исм қўяйлик?» дейишган эди, **«Зайнаб қўйинглар»**, дедилар».

«Солиҳлар гулшани» китобидан